



---

## МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИК КОНТЕКСТИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ТУШУНЧАСИНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ, КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАРИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10471383>

**Маматов Мамаджан Ахмаджанович**

*фалсафа фанлар доктори, профессор*

**Мамаджанов Алишер Муратович**

*ҳарбий таълим факултети цикл бошлиғи*

*Фарғона давлат университети*

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада миллий хавфсизлик контекстида ахборот хавфсизлиги тушунчасининг мазмун-моҳияти, концептуал асослари таҳлил қилинган.

#### Калит сўзлар

миллий хавфсизлик, таҳдидлар, ахборот хавфсизлиги, ахборот истеъмоли маданияти, ижтимоий барқарорлик, тажовуз, ижтимоий таъсир.

XX асрнинг иккинчи ярми тезкор, кенг кўламдаги ахборот тизими ва телекоммуникация технологияларининг ривожланиш даври сифатида, улар ҳаётнинг деярли барча жабҳаларига ва инсон фаолиятига кириб бориши, шунингдек, ахборот маконининг глобаллашуви, бутун жаҳон ривожига таъсир кўрсатган ва кўрсатаётган омил сифатида эътироф этилади. Эътиборли жиҳати, мамлакат ичидаги ва ташқи дунёдаги фаол ахборот алмашуви одамлар эҳтиёжининг жуда ортиб боришидир. Ахборот соҳасининг бундай тезлик билан ривожланиши, унинг потенциали ва имкониятларининг ўсиши, унинг жамоатчилик ва давлат ҳаётидаги турли хил йўналишларда кенг тарзда ишлатилиши, янги XXI асрдаги одамзот тараққиётини аниқлаб берувчи муҳим омилларнинг бири бўла олади.

Мамлакатимизда жамиятни ахборотлаштиришга доир давлат сиёсати ишлаб чиқилиб, ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва ахборот тизимларини ривожлантириш ҳамда замонавий жаҳон тамойилларини ҳисобга олган ҳолда миллий ахборот тизимини амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Мазкур жараёни мустақамлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ахборотни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, ахборот соҳасидаги таҳдидларга ўз вақтида ва муносиб қаршилиқ кўрсатиш масаласи алоҳида йўналиш сифатида белгиланиб, ёшлар онгига таҳдид солувчи ахборот хуружларининг олдини олиш,



ёшларда Интернет ва бошқа ахборот ресурсларидан фойдаланиш маданиятини шакллантириш[1] масаласи муҳим ўрин эгаллади.

Ахборотлашган жамиятни шакллантириш энг аввало, ахборот технологияларини кенг татбиқ этиш ва глобал ахборот муҳитини ривожлантириш билан тавсифланувчи замонавий жамият эволюциясининг қонуний босқичини ўзида акс эттиради. Янги жамиятни шакллантириш жараёни ахборот технологияларининг имкониятларини тўғри англаш ва оқилона фойдаланиш билан боғлиқдир.

Учинчи минг йилликда ахборотлаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган хавф ва таҳдидлардан ҳимояланиш муаммоси замонавий шароитда алоҳида тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласига қатор тадқиқот ишлари бағишланган бўлиб, ҳозирда ҳам мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга илмий адабиётлар таҳлили ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласини ўрганишнинг методологик жиҳатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Ушбу нуқтаи назардан энг аввало кўшлаб муаллифлар томонидан таъриф-тавсиф берилган “ахборот”, “хавфсизлик”, “ахборот хавфсизлиги”, “ахборот хавфсизлиги компетентлиги” атамаларининг изоҳини аниқлаштириш зарур.

“Ахборот” тушунчаси илмий муомалага 1928 йилда америкалик олим Р.Хартли томонидан техник алоқа каналлари бўйлаб тарқатилувчи маълумотларни миқдорий ўлчаш мезонини белгилаш учун киритилган. Ҳозирда бу атама ҳар хил маъноларда қўлланилмоқда. Ахборот айрим (маиший) ҳолларда одамлар томонидан бериладиган маълум нарса ёки ҳодиса ҳақидаги маълумот, баъзида (кибернетика) - тартибга солинган ўзгартириш, тизимнинг ташкил этилганлик ўлчови, бошқа вазиятда-объектларнинг ранг-баранг жиҳатларини ифодалаш, акс эттириш тушунилади. Ахборотнинг моҳиятига нисбатан қарашларнинг кўплигига қарамай, бу тушунчага ҳанузгача аниқ умум эътироф этилган таъриф берилгани йўқ, баъзан бундай таърифни бериш мумкин эмас, деган фикрлар ҳам учрамоқда. Масалан, Т.Стоунъернинг фикрига кўра, “биз ўзимиз ахборотлашган жамият деб атайдиган жамиятда яшашимизга қарамай, ахборот нималигини билмаймиз”[2]. Шунга кўра, қуйида “ахборот” тушунчасининг моҳиятини аниқлаштиришга ҳаракат қиламиз.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида “ахборот” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: Ахборот – (лотинча “information” – тушунтирмақ, баён этмоқ) замонавий фан ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бири; дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ эса ёзма ёки бошқа шаклларда узатилган маълумотдир[3]. Демак, ахборот ҳақидаги таърифларни



қуйидагича умумлаштиришимиз мумкин: бу кенг доирадаги тушунча бўлиб, борлиқдаги жамики объектлар, мавжудодлар, жараёнлар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади. Шу билан бирга ахборот одамлар ўртасида узатиладиган маълумот, хабар, янгиликларлар ҳамдир.

Бугуни кунга келиб, ахборот ишлаб чиқаришни режалаштириш ва бошқариш ҳамда иқтисодий тараққиёт сифатини юксалтириш, умуман ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳалари учун катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Бу ахборотнинг ижобий томони албатта, бироқ ахборотнинг салбий жиҳати яъни зарарли томони ҳам борки, у нафақат инсон ҳаёти ва келажагига таҳдид солувчи ҳисобланади, балки жамият ҳаётини ҳам издан чиқаради. Масаланинг ана шу икки томонини ҳисобга олиб, ахборотларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Ижтимоий фойдали ахборотлар.
2. Зарарли ахборотлар.

Ижтимоий фойдали ахборотлар жамият ва инсонлар бахт саодатини ривожлантириш, бойитиш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш, тинчликни таъминлаш каби буюк ишларни амалга оширса, зарарли ахборотлар эса -бўзғунчилик, вайронкорлик, жамият ва инсонлар ҳаётини издан чиқариш, тинчликка путур етказишга қаратилган ахборотлардир.

Таниқли олим Н.Н.Моисеевнинг фикрича, “ахборот тушунчасини фақат жонли табиат ва жамиятда содир бўлаётган жараёнларни тавсифлашда қўллаш, бу тушунчани субъект-объект муносабатлари билан боғлаш ўринли бўлади, зотан, “ахборот” тушунчасини таърифлаб бўлмайди, уни фақат тавсифлаш мумкин”[4]. Аммо, бизнинг назаримизда, бу қарашлар ахборотга кенг фалсафий нуқтаи назардан, уни акс эттириш билан боғлаш, ахборотга ранг-барангликни ифодалаш (акс эттириш) деб, инъикоснинг объективлашиши мумкин бўлган асосий қисми ёки жиҳати деб тушуниш имконини беради. Табиий муҳитда моддий ташувчи ёрдамида амалга ошириладиган ахборот, физикавий жараён ҳисобланмайди, чунки узатилувчи айни бир сигналларнинг физик табиати ҳар хил бўлиши ва муҳим роль ўйнамаслиги мумкин. Ахборот моддий ташувчига боғлиқ бўлмайди.

Фалсафий нуқтаи назардан олиб қараганда, ахборот, борлиқнинг алоҳида типидир. Зеро, ахборот бу материя ҳам, энергия ҳам эмас, балки ахборотдир; ахборот руҳ ёки субъективлик эмас, балки ахборотдир.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ахборот бу оқилона фойдаланиш учун муайян шаклга солинган маълумотлардир. Ўз навбатида, ахборот блокларини тегишли тарзда ишлов бериш йўли билан яхлит билим корпусига айлантириш мумкин.



Ҳозирги вақтда “ахборот таҳдиди”, “ахборот хуружи” тушунчаларидан илмий истеъмолда кенг фойдаланилмоқда. Мазкур тушунчалар этимологиясига эътибор қаратилса, уларни синоним сифатида қўллаш мумкин, деган хулосага келиш мумкин. Тарихий манбаларда “хуруж” сўзи кенгроқ қўлланилган. Ўз моҳияти билан “хуруж” атамаси Соҳибқирон Амир Темурнинг “Темур тузуклари” китобида ҳам учрайди. Яъни, “Хуруж кунлари қилган бешинчи кенгашим”, “Хуруж вақтида қилган олтинчи кенгашим”, “Хуруж кунлари қилган еттинчи кенгашим” сарлавҳали битикларда ғанимларнинг қай тариха хуруж қилишгани ва унга қарши кўрилган тадбирлар баён этилади. Ҳамиша жаҳолатга қарши маърифат йўлини танлаган Соҳибқирон бир ўринда шундай ёзади: “Ғанимларни чучук сўз, ширин ҳикоятим билан ўз томонимга эгмоқчи ва улар вужудидаги ёндирувчи (ғазаб) ўтини тўғри тадбир суви билан ўчирмоқни маслаҳат кўрдим. Шу тарзда уларни ром қилмоқчи бўлдим”[5]. Демакки, ўша даврда ҳам мамлакат тинчлиги ва осойишталигига хуруж қилингани ҳамда унга қарши курашда қандай йўл тутилганини ҳам шундай манбалар орқали билиш мумкин.

Ахборот хуружи ёки таҳдиди – бу ахборот соҳасида шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига хавф туғдирувчи шароит ва омиллар йиғиндисидир.

Ахборот хуружларига қарши хавфсизликни таъминлаш масаласи барча соҳаларда ҳам муҳим саналади. Эпикур хавфсизлик тушунчасини инсон ва табиат уйғунлиги билан алоқадорликда тавсиф этган[6]. Т.Гоббс хавфсизликни икки эзгу амалда кўради: имон ва қонун[7].

Хавфсизликнинг умумий назарияси тадқиқотининг объекти ва предмети сифатида индивиднинг ўз хавфсизлиги ҳамда яшаш шароити хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолияти ётади ва у умумий, табиий, техника фанлари томонидан яратилади.

Умумий, табиий ва техника фанларида хавфсизлик ҳамда унинг шакллари ўз табиатига кўра мустақил йўналишга эга. Сиёсий, иқтисодий, экологик, ахборот, ҳарбий ва бошқаларнинг хавфсизлик аспекти кўпинча умумий фанлар томонидан ишлаб чиқилади. Умумий назарияни шаклланишида уларнинг ҳар бири ўз улушини кўшади. Умумий назарияни яратиш учун объектив шарт-шароитлар қуйидагилар:

1. Индивид, ташкилот, ижтимоий гуруҳ, жамият, давлат ва дунё ҳамжамияти томонидан хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини сақланиши ва ривожланиши учун талабнинг қўйилиши;
2. Индивид ва умуман инсониятнинг муҳим яшаш объектларини таҳдидлардан сақлаш учун хавфсизлик тизимини яратилиши;



3. Оммавий салбий таъсирларга қарши тура олувчи хавфсизликнинг модернизациялаштирилган тизимини яратиш билан боғлиқ.

Хавфсизликнинг субъекти сифатида инсон қаралиши, уни объекти сифатида табиат, техника воситалар, кўчмас мулк, фуқароларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатлари, жамият, давлат қаралиши мумкин. Битта шахснинг ўзи хавфнинг ҳам субъекти ҳам объекти бўлиши мумкин.

“Чемберс луғати”да “хавфсизлик” тушунчасини “ҳолат, хавфсизликка келтирувчи воситалар ёки сезги” деб талқин қилинган. Мазкур тушунча “бесаранжомлилик, ташвишлилик”, “ишонч”, “барқарорлик”нинг йўқолиши билан боғлаб тушунтирилган[8].

Замонавий адабиётларда “хавфсизлик” тушунчаси объектнинг ўз функцияларини чеклаши ва ўзининг ички қонунлари асосида ривожланадиган шарт-шароитлар ва омиллар тизими сифатида кўриб чиқилади[9]. Шунингдек, хавфсизлик индивид ёки жамиятга хавф-хатар туғдирувчи шарт-шароит ва омиллардан ҳимояланиш тарзида ҳам тавсиф этилади[10].

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, “хавфсизлик” тушунчасига берилган кўплаб таърифлар олимлар ва амалиётчилар томонидан танқидга учрамоқда. Бизнингча, кўплаб таърифларда аниқлик етишмаслигининг асосий сабаби тушунчага таъриф беришда хавфсизликнинг диалектик зидди ҳисобланган хавфнинг ҳисобга олинмаслиги билан боғлиқ. Айнан хавф-хатарнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш “хавфсизлик” тушунчасига аниқроқ таъриф бериш имконини беради. Г.А.Атаманов таъкидлаб ўтганидек, хавфсизлик унинг ҳосиласи сифатида хавф-хатар билан алоқадорликда мазмун касб этади[11]. Муаллифнинг фикрича, “хавфсизлик” ички ва ташқи таъсирларнинг мавжудлиги шароитида тизимнинг ҳаётий мавжудлик механизмининг бузилишига доир объект ҳолатини ифода этади. Унинг ҳар қандай таҳдидни хавф-хатар сифатида қабул қилиши ўринли бўлмайди, хавфсизлик хавф-хатарни енгиб ўтиш натижасида юзага келади.

Рус олими В.И. Дальнинг фикрича: “Хавфсизлик” атамаси – мураккаб тушунча бўлиб, унинг маъноси интуитив даражада худди тушунарлидек туюлади. “Хавфсизлик” тушунчаси инсонларнинг одатий тасаввурига кўра субъектив маънога эга, яъни хавфсизлик – субъектнинг унга зарар етказувчи салбий факторлардан ҳимояланган ҳолатидир. Бошқача айтганимизда, “хавфсизлик”, “хавфнинг йўқлиги” деб таърифланиши мумкин[12].

С.И.Ожегов ҳам хавф ва таҳдид тушунчаларига қуйидаги изоҳ беради: Ўз навбатида “хавфсизлик”нинг антоними “хавф, таҳдид қилиш, зарар етказиш”дир[13], “таҳдид” тушунчаси – мумкин бўлган хавф, кўрқитиш, кимгадир ёмонлик қилиш, зарар етказишдир.



Шундай қилиб, “хавфсизлик” тушунчасини кимгадир, нимагадир хавф-хатарнинг йўқлиги деб талқин қилиш мумкин.

Бугунги кунда хавфсизликнинг турли таърифлари мавжуд бўлиб, уларнинг муаллифлари турли мезонларга асосланади. Баъзан “хавфсизлик – ҳолат, ривожланишнинг анъаналари ва ҳаёт фаолиятининг шартлари...”[14] деб тасаввур қилишади. Бундан ташқари, агар хавфсизлик инновациялар прогрессини чегаралайдиган бўлса, у ҳолда у турғунлик факторига, консерватизмга, регрессга олиб келиши мумкин.

Хулоса қилганда, хавфсизлик тизими нафақат сон ёки сифат жиҳатдан ўзгаришларга тўсқинлик қилиши, балки жамият ва шахс учун зарар келтирмаган ҳолда эски шаклларни ошиб ўтишга ёрдам қилиши лозим. Кўпчилик ҳолларда “хавфсизлик” тушунчасини “ҳимоя”, “ҳимояланган”, “ҳимоя қилиш” атамалари орқали очиб бериш унинг маъносини торайтиради деб ҳисоблашади.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами. – Т., 2017. Б.39.
2. Стоуньер Т. Информационная революция: наука, экономика, технология. – М., 1993. – С.335.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2006. – -Б. 19.
4. Моисеев Н.Н. Расставание с простотой. – М., 2000. – С. 106.
5. Темур тузуклари. / Форсчадан А.Соғуний ва Х.Кароматов таржимаси. – Т.: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. –Б. 24-28.
6. Мыслители Греции. От мифа к логике. – Москва: Эксмо-пресс, Харьков: Фолио, 1998. – С. 774.
7. Гоббс Т. Левиафан. – Москва: Мысль, 2001. – С. 396.
8. Jon Lackie. Chambers Dictionary of science and technology. – Edinburgh: Chambers, 2007. – Pp 268.
9. Заплатинський В. М. Терминология науки о безопасности. Zbornik prispevkov z medzinarodnej edeckeje konferencie «Bezhecnostna veda a bezpecnostne vzdelanie». – Liptovsky Mikulas: AOS v Liptovskom Mikulasi, 2006. – С.78-80.



10. Дзлиев М.И., Романович А.Л., Урсул А.Д. Проблемы безопасности: теоретико-методологические аспекты. – Москва: МГУК, 2001. – С.9.
11. Атаманов Г. А. Информационная безопасность: сущность и содержание // Бизнес и безопасность в России. – 2007. – № 47. – С. 106.
12. Даль В.И. Тольковый словарь великорусского языка. –М.: 2002. – С.67